

## «ТАСДИҚЛАЙМАН»

Вилоят статистика  
бошқармаси бошлиғи в.б.

Т.Сидиков

“10” *декабрь* 2020 йил

### Самарқанд вилояти статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташқил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими тўғрисида Н И З О М

#### І. Умумий қоидалар

1. Статистика фаолиятини ташқил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикаси миллий статистика тизимини янада такоминллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ ташқил этилган ва Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг (кейинги ўринда Бошқарма деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси тўғрисида”ги Низомга ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

4. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари раҳбарлиги ваколатига кирувчи масалалар бўйича амалга оширади, бошқарма бошлиғига бўйсунди.

5. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармасининг бошқа таркибий бўлинмалари ва туман ва шаҳар статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

#### ІІ. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) *Вилоят статистика бошқармаси бўлимлари, ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимлари билан статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича ишларни ташқил этиш ва мувофиқлаштириш ҳамда йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий статистика ахборотларини шакллантириш, умумлаштириш ва чиқариш соҳасида:*

Бошқарма бўлимлари, ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимлари билан статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш, замонавий халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган, йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий ахборотларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлаш статистикани ташкил этишнинг самарали тизимини таъминлаш;

худуд бўйича бирламчи статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш юзасидан бошқарма бўлимлари, ҳамда туман ва шаҳар статистика бўлимлари билан фаолиятини мувофиқлаштириш;

йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштириш, шакллантириш ва чиқариш;

тадбиркорлик субъектлари ўртасида профилактика ишларини ташкил этиш бўйича туман ва шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш;

йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштириш, шакллантириш ва чиқариш.

*б) статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишлар мониторингини юритиш ва статистик ахборотлар ва тўпламларни тайёрлаш, фойдаланувчиларни статистик маълумотлар билан таъминлаш соҳасида:*

статистика кўрсаткичларининг ишончлилиги, ҳаққонийлиги, яхлитлиги ва тизимлилиги юзасидан мониторинг юритиш;

давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш йиллик дастурига асосан статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тақдим этишни амалга ошириш бўйича ишларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

давлат органларини, ўз-ўзини бошқариш органларини, юридик шахсларни, ташкилотлар ва жамоатчиликни белгиланган тартибда статистик маълумотлар билан таъминлаш;

давлат статистика кузатувларини ташкил этиш ва методологияси, шунингдек, расмий статистик маълумотлар билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот-тушунтириш ишларини амалга ошириш;

статистика бошқармаси бўлимлари, шунингдек, туман ва шаҳар статистика бўлимлари томонидан амалдаги қонунчилик, Давлат статистика қўмитаси кўрсатма ва топшириқларига риоя қилиниши борасида мониторингни таъминлаш;

статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари ва туман (шаҳар)лар статистика бўлимлари томонидан Статистика ишларини ишлаб чиқариш

Дастурининг ўз вақтида бажарилиши бўйича мониторинг ўтказиш;

худуд миқёсида бирламчи статистик ахборотларни йиғиш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштиришни таъминлаш бўйича статистика бошқармаси тармоқ бўлимлари, туман ва шаҳар статистика бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

статистик ахборотлар ва тўпламларни шакллантириш, бу борада тегишли бошқарма ва бўлимлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

вилоят ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар ва тўпламлар билан таъминлаш.

7. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишини назорат қилади ва унинг натижалари бўйича бошқарма раҳбариятига ҳар ой маълумот тақдим этади;

статистик кўрсаткичларни ҳаққонийлиги, ишончлилиги, тезкорлиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни ташкил этади ва мувофиқлаштиради;

Статистика ишларини ишлаб чиқариш Дастурининг бажарилиши, ҳисобот интизомини, статистик маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлигини таъминлаш, маъмурий жавобгарликни қўллаш бўйича мониторингни амалга оширади ва унинг натижалари бўйича ҳар ойда статистика бошқармаси раҳбарига ва Давлат статистика қўмитасига ахборот тақдим этади;

Самарқанд вилояти бўйича, шаҳар ва туманлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичларни шакллантириш бўйича жадваллар макетини тайёрлайди;

Бошқарма, бўлимлари ҳамда шаҳар ва туман статистика органлари томонидан йиғма-ахборот маълумотларини белгиланган макетлар асосида шакллантириш ишларини назорат қилади ва мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари учун статистик, ахборот ва маълумот материалларини тайёрлаш бўйича ишларни ташкиллаштиради;

“Худуднинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари” тўғрисида ҳар чораклик маъруза, худуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисида бошқа ахборот-статистик маълумотлар, нашр ва тўпламлар чоп этиш бўйича ишларни ташкиллаштиради ва мувофиқлаштиради;

туман (шаҳар) статистика бўлимлари ходимлари томонидан давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш тартибинини бузган мансабдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчилик ҳужжатларига асосан қўлланилаётган чоралар юзасидан назорат олиб боради, бу борадаги фаолиятни мувофиқлаштиради, ҳар ой натижалари бўйича қўлланилган



чоралар бўйича маълумотларни умумлаштиради ва белгиланган тартибда тақдим этиб боради;

туман (шаҳар) статистика бўлимларида статистик маълумотларга ўзгартиришлар киритиш бўйича статистика органлари кўрсатмаларининг бажарилиши ва қўлланилган жарима маблағларининг ўз вақтида ундирилишини таъминлаш бўйича мониторингни амалга оширади;

статистика ишларини ташкил этиш масалалари бўйича туман (шаҳар) статистика бўлимларига амалий ёрдам кўрсатади;

статистика масалалари бўйича семинар ва йиғилишлар ишида қатнашади ва ўтказади;

Бўлимга тақдим этилган статистик ва иқтисодий-таҳлилий ахборотлар асосида ойлик, чораклик ва йиллик тезкор маълумотларни умумлаштиради, шакллантиради ва белгиланган тартибда чиқаради;

Самарқанд вилояти статистика ишлари дастурида белгиланган ва бошқарманинг топшириғига асосан, статистик ахборотнома шакллантиради;

Самарқанд вилояти статистика ишлари дастурига мувофиқ, бошқарманинг топшириғига ва фойдаланувчиларнинг сўровларига асосан, вилоят ҳокимияти ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, фуқаролар ва ташкилотларни белгиланган тартибда статистик ахборотлар ва тўпламлар билан таъминлайди;

Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

### III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вилоят статистика бошқармасининг бўлинмаларидан, шаҳар ва туман статистика бўлимларидан белгиланган тартибда Бўлим вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотларни олиш;

йиғма-ахборот маълумотларининг таркиби ва тузилиши бўйича бошқарма бошлиғига таклифлар бериш;

Бўлимга тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ўз вақтида бажарилишини талаб қилиш;

йиғма статистик ва иқтисодий-таҳлилий кўрсаткичларни тайёрлаш ва чиқариш муддатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

#### 9. Бўлим:

ўзига юкланган вазифа ва функцияларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари,

фармойишлари, Давлат статистика кўмитаси раҳбарияти ва бошқарма бошлиғи топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, ҳисобот ва ижро интизомини таъминланиши учун;

Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат, тижорат сирларига риоя қилиниши ва сақланишини таъминлаш учун жавобгардир.

#### **IV. Бўлим фаолиятини ташкил этиш**

10. Бўлим фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонуни, ушбу Низом, Давлат статистика кўмитаси буйруқлари ва қарорлари, шунингдек, Давлат статистика ишлари дастури, вилоят статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Самарқанд вилояти статистика бошқармасининг I ва II ярим йиллиги учун иш режалари, Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлари бўлимининг йиллик иш режаси, ходимларнинг лавозим вазифалари асосида ташкил этилади.

Бўлим ходимларининг лавозим вазифалари бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари билан келишилади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

11. Бўлимга вилоят статистика бошқармаси бошлиғи томонидан лавозимга тасдиқланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бўлим бошлиғи:

Бўлим ходимлари томонидан юклатилган вазифалар, мажбуриятларни зарур даражада бажарилишини таъминлайди, ижро ва меҳнат интизоми ҳолати учун жавоб беради;

Бўлим ишининг самарадорлигини ошириш ва уни кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

Бошқарма бошлиғи билан биргаликда Бўлим ишларини такомиллаштириш, вилоят статистика ишлари дастурини, вилоят статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ходимлар томонидан Бўлимга келиб тушган ва чиқаётган материалларнинг давлат ва тижорат сирларига риоя қилинишини ва сақланишини таъминлайди.

12. Бўлим бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;  
ходимларни бошқа лавозимларга кўрсатиш, ўтказиш ва рағбатлантириш, зарур ҳолларда жазолаш чорасини қўллаш тўғрисида бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ходимларининг лавозим маошларига шахсий устамалар

белгилаш, шунингдек, аввалги ўрнатилган устамаларни камайтириш ёки бекор қилиш бўйича бошқарма бошлиғига таклифлар киритиш;

Бўлим ишини ташкил этишни, усули ва услубини яхшилаш, ҳисобот, ижро ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;

Бўлим ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилишда идоралар, корхона ва ташкилотларда вилоят статистика бошқармаси номидан қатнашиш.